

МЕХНАТ БОЗОРИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК БАҲОЛАШ

Аннотация. Мақолада меҳнат бозорида миграция жараёнларини социологик баҳолаш, хусусан ташқи ва ички мигрантларидан интервью усулида ўтказилган сўровнома натижалари, мигрантларни қайси омиллар натижасида мигрант сифатида ўз яшаш жойларидан ташқарида ишлашга кетиши, мигрант сифатида иш излаб юрган кишиларнинг ижтимоий аҳволи, мигрантларда юзага келадиган муаммолар, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва бошқа бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни ҳал қилиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: миграция, ички миграция, ташқи миграция, даромад, ижтимоий аҳвол, аҳоли фаровонлиги, ҳуқуқ, социология, тартибга солиш, мижрацион жозибаторлик, оила, фарзанд.

Кириш

Бугунги кунда меҳнат мигрантларини янги ижтимоий-иқтисодий маконига мослаштириш муаммолари ҳал қилинмаган. Мигрант учун борадиган мамлакатнинг қадриятлари ва маданиятини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш, натижада иқтисодий манфаатларни амалга ошириш жуда қийин, бу эса миграция ўсишининг пасайишига олиб келади.

Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги мурожаатномасида “Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ички миграцияни қўллаб-қувватлаш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз” дея келтириб ўтганлари миграция соҳасида қанчалик катта ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир[1].

Миграция жараёнлари замонавий тенденцияларнинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Миграция бўйича социологик тадқиқотларни Д. Массейнинг социология ва миграция социологияси муаммоларининг кесишиши сифатида ўрганган асрларида кузатиш мумкин. Айниқса, синтетик миграция назариясида, халқаро миграция ҳодисасини тавсифловчи мигрантларнинг майли аниқ кузатилган[2].

Яна бир олим Э. Ли миграция муаммосини ўрганади, у ҳар бир ҳудудда турли миграция омиллари – “ҳудуддан итариб чиқарувчи омил” ва “жалб қилиш” - фаолият юритишини кўрсатиб беради[3].

Миграциянинг иқтисодиётга ижобий таъсири тўғрисида хулосалар Ж. К. Ченет томонидан таклиф этилган[4]. Яъни миграция фуқароларнинг бошқа давлатлардан иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун кўпроқ пул ва яхши шароит излаб чиқиши ва иқтисодиётнинг бўш жойларида банд бўлишини келтириб ўтган.

Тадқиқот ишимизда Cloud рақамли технологияси ёрдамида мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган, хорижда меҳнат фаолиятини билан шуғулланиб, ҳозирда мамлакатимизда меҳнат фаолиятини олиб бораётган мигрант аҳолимиздан Cloud яъни булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда сўровнома ўтказдик. Илмий тадқиқотларимизнинг қуйидаги йўналишлари ривожланган шаҳарларнинг миграция жозибаторлигини, шунингдек, мигрантларнинг ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон беради:

биринчидан, меҳнат бозорида мигрантларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш лозим.

иккинчидан, миграция мотивациясини ўрганиш яъни нима учун аҳоли миграция қилаётганини аниқлаш;

учинчидан, миграция тўғрисида қарор қабул қилишда ижтимоий тармоқларнинг роли ва мигрантларнинг мезбон ҳамжамият билан расмий ва норасмий ўзаро муносабатларининг табиатини ўрганиш;

тўртинчидан, мигрантларнинг саводхонлик даражасини аниқлаш;

бешинчидан, мигрантларнинг ўз мамлакатларида рақамли бандлик ва виртуал меҳнат миграцияси билан шуғулланаолишларини таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Миграция жараёнларининг социологик тадқиқотлари узок вақт давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган, аммо шаҳарларнинг ижтимоий ва иқтисодий майдони кўпинча ташқи меҳнат мигрантларининг иқтисодий хатти-ҳаракатларидан мустақил равишда кўриб чиқилади. Шу муносабат билан шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий маконининг миграция жозибадорлигини ўрганиш, унинг асосий параметрларини таъкидлаш зарур.

Тадқиқот натижаларидан замонавий шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий маконида, ташқи меҳнат мигрантларининг иқтисодий хатти-ҳаракатларини ўрганишда, шунингдек ташқи меҳнат миграциясининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Stephen Castles социология бутун дунё олимларининг ишларига асосланганлигини ва барча жамиятлар учун амал қиладиган назария ва усулларга эга эканлигини маълум. Шунинг учун у глобал миграция тадқиқотларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши керак. Шунга қарамай, миллий ривожланишнинг тарихий лойиҳаларидан келиб чиқадиган миллий ёндашувлар ҳали-ҳамон қўлланилиб келмоқда. Бундан ташқари, миграцияни ўрганиш миллий илмий маърузалар ва иерархияларда периферик бўлиб келган[5].

А. Amelina миграция социологияси ёпиқ, аниқ белгиланган тадқиқот соҳаси эмас, аксинча очик ва хилма-хил бўлиб, кўпинча қизгин концептуал ва услубий мунозаралар билан ажралиб туради. Ушбу мунозаралар тадқиқот соҳасининг ўзида— фанлар, методологиялар ва миграция тадқиқотлари ва амалиётнинг бошқа ижтимоий соҳалари ўртасида доимий “чегарани кесиш ўтиш” нинг учта шакли билан таъминланади[6].

Stepputat F. социологлар учун миграцияни социологик ўрганиш бўйича эмпирик тадқиқотлар ва таҳлилларни ишлаб чиқиш, уни замонавий жамият ҳақидаги назарий тушунчаларига киритиш каби муҳим аҳамиятга эга. Миграцияни ўрганиш иқтисодий миграция бўйича тадқиқотлар билан боғлиқ, аммо ўзига хос тадқиқот мавзулари, услубий муаммолари ва концептуал масалаларига эга. Миграция бўйича социологик тадқиқотлар ва ижтимоий тармоқлар асосий роль ўйнайдиган ижтимоий жараён сифатида таҳлил қилиниши керак[7].

Дидух Н. Н. Миграция бўйича социологик тадқиқотларда меҳнат миграцияси муаммоси ва муҳожирларнинг мезбон жамият таркибидаги роли тобора кўпроқ биринчи ўринга чиқмоқда. Сабаби аниқ, чунки айнан миграция ва мигрант жамоалар Европанинг ва дунёнинг бошқа бир қатор минтақаларининг ижтимоий тузилишини тубдан ўзгартириб, бир неча ўн йиллар олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган ижтимоий муаммолар ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда[8].

Лапшина Н. И. мигрантнинг ижтимоий ҳолатини хусусиятларини белгилаш зарурдир. Бу борада миграция соҳасида ўтказиладиган социологик тадқиқотлар ёрдам беради. Миграция ҳолатида мигрант бериш ва қабул қилиш ҳудудларининг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб аниқланади[9].

Шу билан бирга миграция бўйича, академик Абдурахмонов Қ.Х. [10], Максакова Л.П., Расулова Д., Умурзоқов Б.Х., Шоюсупова Н.Т., Адилова З.Д. [11]. каби профессор олимлар ўз қарашларини баён этганлар. Ўтган асрнинг охириги ўн йилликларига келиб, саноатлашган–технологик тизим миграция омилининг суръат даражаси ошишига, дунёнинг глобаллашуви ва давлатлараро интеграция жараёнларига кучли таъсир ўтказди. Жамиятшунос тадқиқотчиларнинг айнан миграция масалаларини тадқиқ этишга бўлган қизиқиши кескин ортиб борди,

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқот ишимизда миграцияни келтириб чиқараётган омиллар, анализ, синтез, социологик таҳлил, қиёсий таҳлил, социологик сўровнома усулининг интервью шаклидан фойдаланилди. Тадқиқот ишида мигрантларнинг ижтимоий аҳволи, ижтимоий-хуқуқий таъминланганлиги ва бошқа бир қатор жиҳатлари кўриб чиқилди ва таҳлиллар ўтказилди. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда миграция жараёнлари ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот ишимиз доирасида миграция соҳасида муаммоларни аниқроқ ўрганиш мақсадида, мамлакатимизнинг ички мигрантлари ва ташқи миграция жараёнида иштирок этиб қайтиб келган 514 нафар фуқароларимиздан социологик сўровнома ўтказдик.

Тадқиқот ишимиз учун ҳар бир мигрантнинг ҳолатини батафсил ёритиш мақсадида анкета сўровнома усулидан фойдаландик ва ҳар бир мигрант билан суҳбатлар олиб бордик. Сўровномамизда иштирок этганларнинг 403 нафари эркаклар яъни 78,5 %и ва 111 нафари аёллар яъни 21,5 %ни ташкил этиб, улардан уйланмаган/турмушга чиқмаганлари сони 150 нафарни яъни 29,1 %ни, уйланган/турмушга чиққанлар сони 333 нафарни яъни 64,7 %ни ва ажрашган/ёлғиз ота ёки оналар сони 31 нафарни яъни 6 %ни ташкил этди[9].

Кўришимиз мумкинки сўровномамизда иштирок этганлар ичида аёлларнинг ҳам улушининг ҳам мавжудлигида бир қатор салбий натижаларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, аёллар ўз уйларини ташлаб бошқа вилоят ёки малакатларга иш излаб кетмоқдалар;

иккинчидан, уларнинг болаларининг тарбияси, маъданиятининг ёмонлашуви;

учинчидан, аёлларнинг миграцияси туфайли ажримларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Танланма сўровномамизда қатнашганларнинг қайси вилоятданлиги ва қайси вилоятлардан миграция оқими юқорилигини аниқладик. Энг юқори кўрсаткич икки вилоятда Сурхондарё (17,5 %и) ва Қашқадарё (15,6 %и) ҳиссасига тўғри келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал


Танлама сўровномада иштирок этганларнинг вилоятлар кесимида тақсимланиши¹

Қайси вилоятдансиз?	Сони	%да
Қорақалпоғистон Республикаси	20	3,8911
Андижон	39	7,5875
Бухоро	29	5,642
Жиззах	25	4,8638
Қашқадарё	80	15,564
Навоий	11	2,1401
Наманган	19	3,6965
Самарқанд	42	8,1712
Сурхондарё	90	17,51
Сирдарё	34	6,6148
Тошкент вилояти	36	7,0039
Фарғона	29	5,642
Хоразм	18	3,5019
Тошкент шаҳар	42	8,1712

1-жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки деярли ҳамма вилоятларда миграция жараёнида қатнашаётган аҳоли қатлами мавжуд Сурхондарё (17,5 %) ва Қашқадарё (15,6 %) вилоятларидан кейинги ўринларда Самарқанд вилояти (8,1 %), Тошкент шаҳар (8,2 %), Андижон вилояти (7,5 %), Тошкент вилояти (7 %), Сирдарё вилояти (6,6 %) ва бошқа вилоятларда миграция жараёнлари кузатилмоқда.

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

Тадқиқот ишимизда мигрантларнинг ёш чегараларини яъни қайси ёшдаги фуқаролар кўпроқ миграцияга мойиллик билдираётганини ўргандик (1-расм).




1-расм. Танлама сўровномада иштирок этганларнинг ёш бўйича тақсимланиши¹

Ушбу расмдан кўриниб турубдики мигрантларнинг ёши яъни кўп миграция қиладиган аҳоли қатлами 30-39 ёшни ташкил этмоқда. Бу ёшда юқори миграция бўлишига асосий сабаблардан бири оилани иқтисодий эҳтиёжини қондириш даражаси билан изоҳлаш мумкин ва миграция эрқаларда аёлларга нисбатан юқорирок бўлади.

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, иштирокчиларнинг 170 нафари яъни 33 %и олий маълумотлилар, 162 нафари яъни 31,5 %и ўрта-махсус маълумотлилар, 159 нафари яъни 30,9 %и ўрта маълумотлилар ва 23 нафари яъни 4,5 %и тугалланмаган ўрта маълумотлилар ҳиссасига тўғри келяпти.

Ўтказилган сўровнома натижасида айтишимиз мумкинки, оилалик мигрантларнинг кўпчилигида фарзандлари йўқ ёки иккита фарзандликка тўғри келяпти (2-расм).




2-расм. Танлама ва сўровномада иштирок этган мигрантларнинг болалар сони бўйича тақсимланиши²

Бунга хулоса қилиб, мигрантлар иқтисодий камчиликлар туфайли оилани режалаштиришда кам болаликни маъқуллашганликлари (33 %) ёки ўртача ҳар бир оилада иккита фарзанд бўлишини режалаштирганликларини (26 %) кўришимиз мумкин. Салбий

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

² Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

тарафларини кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич ёшлар қатламининг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Демак оиланинг иқтисодий барқарорлиги фарзанд режалаштиришда катта аҳамиятга эгадир.



3- расм. Танлама сўровномада иштирок этган мигрантларнинг мутахассислиги бўйича тақсимланиши¹

2-расмдан айтиш мумкинки кўп мигрантларнинг асосий мутахассисликлари педагогликни ташкил этмоқда. Буни юқорида таъкидлаганимиздек маълумот даражасига боғлиқ деб ўйлаймиз. Тадқиқотимизда олий маълумотлар улуши 33 %га тенглигини ҳисобга олсак демак мигрантларнинг ичида олий маълумотли бўлиб ҳам иш топаолмаганликларини кўрсатиш мумкин. Мигрантларнинг 23 %и педагог, 18,2 % қурулиш мутахассислиги ишчиси, 7 %и иқтисодчи, бухгалтерлар ва бошқаларнинг ҳиссасига тўғри келяпти.

2-жадвал


Танлама сўровнома иштирокчиларнинг бандлик даражаси кўрсаткичлари²

Ҳозирда расмий ёки норасмий иш билан банд ҳисобланасизми?	Сони	%да
Ҳа расмий бандман	150	29,183
Ҳа норасмий бандман	189	36,77
Йўқ банд эмасман	130	25,292
Расмий ишсизман	45	8,7549

Сўровномамизда мигрантларнинг расмий бандлик даражаси 29,2 %ни ташкил этмоқда. Норасмий бандлик даражаси 36,7 %ни, йўқ банд эмасман ва расмий ишсизлар мос равишда 25,3 % ва 8,8 %ни кўрсатмоқда.

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

² Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди



4- расм. Танлама ва сўровномада иштирок этган мигрантларнинг қайси соҳада бандлиги кўрсаткичлари¹

4-расмдан кўришиб турубдики мигрант бошқа мамлакатларга бориб, норасмий банд (22,1 %) бўлиб келмоқда. Бу бир қатор маммоларни келтириб чиқариши мумкин: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат хавфсизлиги, меҳнат шароитлари норасмий банд бўлганда ҳеч ким таъминлаб бермайди ва бунинг натижасида нохўш воқеалар келиб чиқиш эҳтимоли пайдо бўлади.

Норасмий бандлик сабаблари ва расмий иш жойида ишлаганлиги ёки ишламаганлигини таҳлил қилиш аниқлигида аниқландики, иштирокчиларнинг 25,0 %и паст ойлик иш ҳаққидан норозилиги ва шу сабабдан миграция қилганликлари ва ўрта-махсус маълумотлиларнинг эса 20,1 %и умуман расмий иш жойида ишламаганлигини таҳлиллар натижасида аниқладик.

Демак мамлакатимизда бўш иш ўринларини яратишда ойлик иш ҳаққи миқдорини ҳам ҳисобга олиш кераклигини ва ойлик иш ҳаққини ҳудуд иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда паст белгиланганлиги аниқладик.

Норасмий ички мигрантларнинг иш билан банд бўлганлар қисми деярли 15,2 %и 2-2,5 млн. атрофида ойлик иш ҳаққи олишларини ва меҳнат шароитлари таъминланмаганлигини (8,7 %) келтириб ўтишган. Вилоятларда ойликнинг миқдори янада пастроқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам аҳолида миграцияга бўлган майл кўрсаткичи ошиб бормоқда.

Ҳозирги ахборотлашган замонда мигрантларнинг ҳам рақамли воситалардан фойдаланиш кўрсаткичини олсак у қуйидагича натижани бермоқда (3-жадвал)

3-жадвал

Мигрантларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси²

Рақамли технологиялар (компютер, телефон, планшет) ёрдамида иш излаб кўргансизми ?	Сони	%да
Ха	219	42,607
Йўқ	245	47,665
Рақамли технологиялардан фойдаланмайман	50	9,7276

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

² Муаллифлар омонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

Сўровнома иштирокчиларнинг 9,7 %и умуман фойдалана олмасликларини кўрсатишган бу уларнинг ёш кўрсаткичи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Сўровномада 40-49 ва 50-60 ёшдагилар улуши мос равишда 13,6 % ва 3,7 %и ташкил этган. Бу ёшдаги меҳнат ресурслари бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни онлайн тарзда излаш ўрнига анъанавий усулдан кўпоқ фойдаланишлари билан асослаш мумкин яъни ўзлари ҳақидаги маълумоларни олиб иш излаётган ташкилотларига ташриш буюришади.

Мигрантларнинг асосий қисми норасмий бандлигини, бир марталик иш учун ёлланиб ишлашларини ҳисобга олсак, улар давлат масъул ташкилотларига Аҳолини бандликка кўмаклашиш марказларига (АБКМ) ариза билан мурожаат этмаганлар (4-жадвал).

4-жадвал

Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганлар сони¹

Бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганмисиз, агар мурожаат қилган бўлсангиз марказ фаолияти ҳақида фикрингиз?	Сонда	%да
Ҳа, аъло	42	8,1712
Ҳа, ўрта	83	16,148
Ҳа, қониқарли	71	13,813
Ҳа, қониқарсиз	78	15,175
Ҳа, умуман ишламайди	45	8,7549
Йўқ	166	32,296
Бундай марказ борлигини билмайман	29	5,642

Кўриниб турибдики 32,3 % мигрантлар ўз яшаш жойларидаги АБКМ ларга мурожаат қилмаганлар ва мурожаат қилганлар ичида қониқарсиз деган фикрни билдирганлар улуши 15,1 %ни, бунақа марказлар борлигини билмайдиганлар эса 5,6 %ни ташкил қилди. Мурожаат қилганлар ичида мигрантларнинг учраши аянчли ҳолат. Тадқиқотлар натижасида шуни аниқладикки таклиф этилган иш ўринлари уларнинг мутахассисликларига тўғри келмаган ва иш ҳаққи миқдори кам бўлганлигини аниқладик.

5-расмда, мигрантлар ички миграция яъни аҳолиси кўп бўлган худудлардан, аҳолиси кам бўлган худудларга кўчиб боришлари учун биринчи навбатда, мутахассислик бўйича иш жойи таклиф қилинса 207 киши яъни 28,2 %и, иккинчидан, иш ҳаққи оилани боқишга етарли бўлса 191 киши яъни 26,0 %и ва учинчидан, оилавий кўчиб бориш учун шарт шароитлар бўлса 144 киши яъни 19,6 % овоз билан ички миграция орқали банд бўлишга розилигини ва ташқи меҳнат миграцияга камроқ учрашларини келтириб ўтганлар.



5-расм. Ички миграция орқали бандликни таъминлаш²

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

² Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

Лекин ҳозирда мамлакатимиздаги фуқароларнинг хорижга кетиш истагида бўлганларининг улуши 356 кишини яъни 69,2 %ни ташкил этмоқда. Сўровномада иштирок этган олий маълумотли фуқаролар бир қисми ҳам ташқи меҳнат миграциясига кетишга розилигини кўриш мумкин. Олий маълумотли бўла туриб ҳам четга кетиш истагини билдирганлар.

Сўровномада иштирок этганларнинг 235 нафари яъни 45,7 %и чет давлатларда меҳнат мигранти бўлиб ишлаб келганликларини кўрсатганлар, 237 нафари яъни 46 %и ички мигрант бўлиб пойтахтда расмий ёки норасмий бандликларини таъкидлашган. Демак ички мигрантлар учун Тошкент шаҳри иш топиш мумкин бўлган шаҳар мисолида қаралмоқда.

Мигрант сифатида банд бўлишни истаганлар қуйидаги асосий сабабларга кўра бошқа вилоят ёки мамлакатларда ишлашга розилигини билдирганлар (5-жадвал).

5-жадвал

Мигрантларнинг чет давлатларида меҳнат фаолиятини олиб боришларининг асосий эҳтиёж кўрсаткичлари¹


Чет элда ишлашга хоҳиш билдириш сабабларингиз (бўлса бир нечта сабабларни ёзинг)	сонда	%да
Ойлик маош юқори бўлгани учун	283	26,876
Меҳнат шароити яхшилиги учун	124	11,776
Иш топишнинг осонлиги учун	81	7,6923
Танишларим маслаҳати туфайли	53	5,0332
Яшаш жойида юқори ҳақ тўланадиган иш мавжуд эмаслиги	82	7,7873
Иш ҳақи вақтида тўланмаслиги	21	1,9943
Фарзандининг тўйи учун тезда пул топиш зарурати	32	3,0389
Ўзимнинг тўйим учун пул топиш зарурати	17	1,6144
Уй, квартира сотиб олиш учун тез пул топиш зарурати	84	7,9772
Автомобиль ёки бошқа кўчмас мулк	54	5,1282
Ўз бизнесим учун бошланғич сармоя тўплаш мақсадида	80	7,5973
Қарзини тўлаш учун	38	3,6087
Оиламнинг тураржой шароитлари етарли эмаслиги	39	3,7037
Ижтимоий инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги	34	3,2289
бошқа	31	2,8

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, миграция учун асосий стимул бўлиб иқтисодий омил яъни ойлик маош (26,9 %) муҳим роль ўйнамоқда. Ундан сўнг меҳнат шароитининг мавжудлиги (11,8 %), уй, квартира сотиб олиш учун тез пул топиш зарурати учун (7,9 %), яшаш жойида юқори ҳақ тўланадиган иш мавжуд эмаслиги (7,8 %), ўз бизнесим учун бошланғич сармоя тўплаш мақсадида (7,5 %) ва бошқа сабабларни кўрсатиб ўтишган.

Мигрантларнинг аксарият қисми 17,7 %и АҚШ га ишга боришни маъқул кўришмоқда (6-расм).


Расмдан кўриниб турибдики, чет элда ишлаш учун хоҳиш билдирганларнинг катта қисми АҚШ (17,7 %), Германия (14,1 %), Туркия (12,3 %), Европа мамлакатлари (10,6 %) ва бошқа мамлакатларга бориш истагини билдиришган. Бунга асосий сабаб сифатида иш ҳаққининг юқорилиги, меҳнат шароитларининг мавжудлиги ва иш топишнинг осонлигини келтириб ўтганлар.

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди



6- расм. Мигрантларни жалб қилувчи асосий давлатлар¹

Шуниси қизиқки бормоқчи бўлган давлатлирининг меҳнат қонунчилиги ва малака талабларига бўлган ҳуқуқий базалардан 56,6 %мигрантлар хабардор эмаслар, 32,1 %и эса хабарлари борлигини таъкидлашган. Чет эл давлатининг меҳнат қонунчилиги ва талабларини билмасдан туриб кетишлари иш жойида бир қанча муаммоларни юзага келтиради. Чет элда меҳнат фаолиятини олиб борган фуқаролар келтиришича ўртача ойига 700 АҚШ доллари маблағни расмий ёки норасмий кўринишда ишлаб топганлар.



7-расм. Мигрантларнинг ўз вилоятида меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун керакли ойлик маош миқдори²

Мигрантлар ўз вилоятларида миграция жараёнида иштирок этмасдан ўз оилалари билан бирга яшаб меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун мигрантларнинг 35 %и 2,5 млн. сўм миқдорда ойлик маош етарли деб ҳисоблайдилар, 16 %и эса 3 млн. сўм ойлик маош етарли деб кўрсатишган. Демак вилоятларда ойлик маош миқдори камлиги ҳам миграцияга асосий сабаби бўлиб қолмоқда.

Сўровнома натижасида меҳнат миграциясини самарали бошқаришда мигрантлар томонидан қуйидагича таклифлар келтириб ўтилган (5-жадвал).

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

² Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

5-жадвал

Мехнат миграциясини самарали тартибга солишдаги таклифлар¹

Ўзбекистонда меҳнат миграциясини самарали бошқариш бўйича сизнинг таклифларингиз? (бир нечтасини танлашингиз мумкин)	Сонда	%да
хорижга ишлаш учун маслаҳат кўрсатадиган янги касбни яратиш	98	12,312
давлат томонидан фуқароларни ривожланган давлатларга ишга жўнатиш бўйича халқаро шартномаларни кўпайтириш	213	26,759
хорижда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини самарали ташкил этиш мақсадида онлайн платформаларни ривожлантириш	155	19,472
хорижда ишлаш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш рақамлаштиришни жорий этиш	112	14,07
хорижда фуқароларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилишига кўмаклашиш	84	10,553
онлайн меҳнат билан бандликни рағбатлантириш	120	15,075
рақамли воситалардан фойдаланиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш	14	1,7588

Жадвалдан айтиш мумкинки, мигрантларнинг кўпчилиги давлат томонидан фуқароларни ривожланган давлатларга ишга жўнатиш бўйича халқаро шартномаларни кўпайтириш (26,8 %), хорижда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини самарали ташкил этиш (19,4 %), ҳар бир туман, шаҳарда фуқароларни хорижга ишлаш учун бориш юзасидан маслаҳат бериш марказлари очиш (15,0%) ва бошқа бир қанча таклифларни келтириб ўтишган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки Ўзбекистонда янги касбларни яратиш, рақамли иқтисодиётни ривожланиш шароитида меҳнат бозори миграция жараёнларининг ҳам рақамли трансформациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу борада:

- бандликнинг янги турларини яратишда ва рақамли бандликни ҳам қуқуқий ҳимоялашга асосланган тизимни яратиш зарурлигини тақозо этмоқда;

- иқтисодий барқарорликка эришиш учун юқори технологик тармоқ, соҳаларнинг сонини кўпайтириш, меҳнат ресурси танқислиги сезиладиган тармоқларга уларни жалб қилиш, бунинг учун ахборот тизими фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойлари меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсининг рақобатбардошлиги, профессионал мобиллиги ўсиши учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш;

- ўзининг доимий яшаш жойидан ташқарида иш изловчи шахслар сонини қисқартириш мақсадларида меҳнат соҳасини ва аҳоли бандлигини тартибга солиш идоралари янги барқарор иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш;

- Мутахассислар ривожланган мамлакатларнинг юқори технологияли тармоқларида ва унга турдош ноу-хау ишларида тажриба-малака орттириб, ўз ватанларига қайтганларидан сўнг, миллий ишлаб чиқаришнинг инновацияси ва самарадорлиги ўсиши учун ҳиссаларини кўшишини таъминлаш;

- меҳнат бозорида рақамли ва виртуал меҳнат миграцияси билан бандликни кўмаклашишни рағбатлантириш;

- Cloud (булутли) технологиялардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказишни ривожлантириш лозим;

Ҳозирда виртуал меҳнат миграцияси, рақамли бандлик тушунчалари фанга олға кириб келмоқда. Аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланишлари учун имтиёзлар ажратиш, бепул курсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, аҳоли бандлигининг янги турларини яратиш ва улуарни меҳнат фаолияти билан банд қилишга асос бўлади деб ўйлаймиз.

¹ Муаллифлар томонидан сўровнома натижалари асосида шакллантирилди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил сўнгида Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Massey, D. Theories of international migration: A review and appraisal [Text] / D. Massey // Population and Development Review. – 1993. – Vol. 19. – № 2. – P. 431-466.
3. Lee, E. A Theory of Migration [Text] / E. Lee // Demography. – 1966. – № 3. – P. 47-57.
4. Шенэ, Ж.К. Миграция как инструмент развития [Текст] / Ж.К. Шенэ // Миграция и развитие: доклады и статьи ведущих секций и докладчиков международной конференции «Миграция и развитие». – М.: Би Эль Принт. – 2007. – С. 7-11.
5. Castles S. Twenty-first-century migration as a challenge to sociology //Journal of ethnic and migration studies. – 2007. – Т. 33. – №. 3. – С. 351-371.
6. Amelina A., Horvath K. Sociology of migration //The Cambridge handbook of sociology: Core areas in sociology and the development of the discipline. – 2017. – Т. 1. – С. 455-464.
7. Stepputat F., Sørensen N. N. Sociology and forced migration //The Oxford handbook of refugee and forced migration studies. – 2014. – С. 86-98.
8. Дидух Н. Н. Трудовая миграция как фактор развития Дальневосточного региона (социологический анализ) //Хабаровск: Изд-во ТОГУ. – 2009. 67-69 с.
9. Лапшина Н. И. Миграция и маргинальность в контексте социологии социального пространства //Вестник Санкт-Петербургского университета. Социология. – 2010. – №. 1. – С. 388-394.
10. *Абдурахмонов Қ.Х.* Мехнат иқтисодиёти (дарслик). ТДИУ, Тошкент, 2009 й.
11. Адылова З.Дж., Гулмуродов К.А. Прогнозирование показателей внешней трудовой миграции и его методологические основы // журнал: [Инновации в экономике](#), Том 4 № 2 (2021)